

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗИРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАХ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САУХАНОВ ЖАНИБЕК КАЗИЕВИЧ

**АГРАР ТАРМОҚДА ТАШҚИ САМАРАЛАРНИ ОПТИМАЛ
ТАРТИБЛАШТИРИШ ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ
ПАСАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) экономических
наук**

Contents of dissertation abstract of the doctor (DSc) in economic sciences

САУХАНОВ ЖАНИБЕК КАЗИЕВИЧ

Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва
транзакция харажатларини пасайтириш механизмлари (*Қорақалпоғистон
Республикаси мисолида*) 3

САУХАНОВ ЖАНИБЕК КАЗИЕВИЧ

Механизмы оптимального регулирования внешних эффектов и снижения
транзакционных издержек в аграрном секторе (на примере Республики
Каракалпакстан) 37

SAUKHANOV JANIBEK KAZIEVICH

Mechanisms for optimal regulation of externalities and reduction of transaction
costs in the agricultural sector (on the example of the Republic of
Karakalpakstan)..... 73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 77

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗИРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САУХАНОВ ЖАНИБЕК КАЗИЕВИЧ

**АГРАР ТАРМОҚДА ТАШҚИ САМАРАЛАРНИ ОПТИМАЛ
ТАРТИБЛАШТИРИШ ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ
ПАСАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Iqt1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шодиев Турсун

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аимбетов Нагмет Каллиевич

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, академик

Досчанов Тангриберган Досчанович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Отажанов Умид Абдуллаевич

иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс(99862) 224-57-00; e-mail: info@urdu.uz.

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.С. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ш.Б. Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б. Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сони ўсиши ва ресурсларнинг чегараланганлиги, қишлоқ хўжалигида турли ташқи самараларни вужудга келиши, экологик муаммолар кескинлашуви шароитида зарур миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш тобора мураккаб муаммога айланиб бормоқда. COVID-19 пандемиясининг содир бўлиши ушбу жараёни кучайтириб, 2020 йилда дунёда 720 миллиондан 811 миллионгача одам очарчиликка дучор бўлди, жумладан, 2020 йилда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши бир йил олдинги 8,4 фоиздан 9,9 фоизгача кўтарилди¹. Глобаллашувнинг ҳозирги босқичида камбағалликни қисқартириш, умумий фаровонликни юксалтириш, 2050 йилга бориб 9,7 миллиард аҳоли эҳтиёжини қондириш лойиҳасини амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг кучли восита сифатида қаралмоқда². Шу сабабли ресурслардан самарали фойдаланиш маҳсулотлар ресурс сиғимини камайтириш, экологик муаммолар сабабли вужудга келаётган ташқи самаралар таъсирини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожини таъминлаш, унинг натижасида келиб чиқаётган ташқи самараларни инсон саломатлиги ва табиий муҳитга салбий таъсирларини камайтириш, хусусан, ушбу йўналишдаги фаолиятларни турли хил дастаклар билан қўллаб-қувватлаш асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини миқдор ва сифат жиҳатдан қондиришга доир илмий-тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларига инновацион технологияларни жорий қилган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосида озиқ-овқат ишлаб чиқаришга мавжуд ташқи самаралар таъсир доирасини чеклашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини турли миқдорий, статистик ва эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш йўналишлари бўйича устувор даражада тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, тежамкор технологияларни жорий қилган ҳолда маҳсулот ресурс сиғимини камайтириш, соҳанинг атроф-муҳитга таъсирини меъёрлаштириш, камайтириш кабиларни ҳисобга олган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида эса “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш,

¹ Манба: <https://www.fao.org/state-of-food-security-nutrition/en>

² Манба: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”³ каби қатор вазифалар белгиланган эди. Бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ташқи самаралар таъсирини баҳолаш ва уларни камайтириш йўналишларини белгилаб олиш, хусусан, сув танқислиги, ерларнинг шўрланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда мавжуд шароитда юқори самарадорликни таъминлайдиган ҳамда кам ресурс талаб қиладиган экин турларини эконометрик моделлаштириш асосида аниқлаш ҳамда мавжуд экологик шароитга мос ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб беришга бағишланган илмий изланишларни янада кенгайтириш жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4512 сон, 2020 йил 3 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4776 сон Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастури устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларга шарҳи⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

⁴ Pajewski, Tomasz. (2016). The external effects in agriculture and methods for regulating. Journal of Agribusiness and Rural Development. 10. 10.17306/JARD.2016.41.; Baum, R.; Kozera-Kowalska, M. Identification and Analysis of Agricultural Externalities (A Valuation Methodology on Examples). Preprints 2018, 2018110002 (doi: 10.20944/preprints201811.0002.v1). Brett, Craig & Pretty, Jules & Gee, David & Bragg, Rachel & Mason, Chris & Morison, James & Rayment, Matt & Bijl, Gert & Dobbs, Thomas. (2001). Policy Challenges and Priorities for Internalizing the Externalities of Modern Agriculture. Journal of Environmental Planning and Management. 44. 263-283. 10.1080/09640560120033740.; de Prada, J. D., Shah, F., Bravo-Ureta, B., Degioanni, A. J., Cisneros, J. M., & Cantero, A. (2014). The external impact of agriculture on inland wetlands: a case study from argentina. European Scientific Journal, ESJ, 10(17). <https://doi.org/10.19044/esj.2014.v10n17p%p>; A. Filiptsov, M. Lagun. The negative externalities of the agriculture of Belarus. <http://bseu.by/ket/Philipsov-Lagun.pdf>; Moss, Charles & Schmitz, Andrew. (2013). Positive and Negative Externalities in Agricultural Production: The Case of Adena Springs Ranch. J. Agric. Appl. Econ.. 45. 401-409. 10.1017/S1074070800004934.; Walthall, C.L., J. Hatfield, P. Backlund, L. Lengnick, E. Marshall, M. Walsh, S. Adkins, M. Aillery, E.A. Ainsworth, C. Ammann, C.J. Anderson, I. Bartomeus, L.H. Baumgard, F. Booker, B. Bradley, D.M. Blumenthal, J. Bunce, K. Burkey, S.M. Dabney, J.A. Delgado, J. Dukes, A. Funk, K. Garrett, M. Glenn, D.A. Grantz, D. Goodrich, S. Hu, R.C. Izaurralde, R.A.C. Jones, S-H. Kim, A.D.B. Leaky, K. Lewers, T.L. Mader, A. McClung, J. Morgan, D.J. Muth, M. Nearing, D.M. Oosterhuis, D. Ort, C. Parmesan, W.T. Pettigrew, W. Polley, R. Rader, C. Rice, M. Rivington, E. Rosskopf, W.A. Salas, L.E. Sollenberger, R. Srygley, C. Stöckle, E.S. Takle, D. Timlin, J.W. White, R. Winfree, L. Wright-Morton, L.H. Ziska. 2012. Climate Change and Agriculture in the United States: Effects and Adaptation. USDA Technical Bulletin 1935. Washington, DC. 186 pages; LV Yao, ZHANG Yushu. Identification, Evaluation and Internalization of Externalities of Agriculture[J].Progress in geography, 2007, 26(1): 123-132.; https://www.fao.org/fileadmin/user_upload/pes-project/docs/FAO_RPE-PES_Kiserian_Kenya.pdf; Philippe Le Goffe. Hedonic pricing of agriculture and forestry externalities. 7. Conference

Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий мазказлари ва олий таълим муассасарида, жумладан, University of Florida (АҚШ), U.S. Department of agriculture (АҚШ), Agricultural Research Service (АҚШ), Mount Allison University (Канада), University of Essex (Англия), Institute of Geographical Sciences and Natural Resources Research (Хитой); Ecole Nationale Supérieure Agronomique (Франция), Tuscia University (Италия), University of Helsinki (Финландия), Belarusian State Agricultural Academy (Беларусия), Food and Agriculture Organization of the United Nations, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (Ўзбекистон), Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш масалалари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: самаралар таъсирини камайтириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва азот оқимининг назарий модели ишлаб чиқилган (University of Maryland АҚШ; University of Helsinki, Финляндия), тупроқ эрозияси ва қуруқликдаги зарар даражасининг қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри таъсирини баҳолаш моделлари ишлаб чиқилган (University of Connecticut, АҚШ), экологик масалаларда трансакцион харажатлар иқтисодидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган (Agricultural & Applied Economics Association (ААЕА), АҚШ, American Council on Consumer Interests (АССИ), АҚШ), ташқи самараларни бартараф этишда компенсациялашнинг музокаралар самарасига таъсири миқдорий усуллар ёрдамида баҳоланган (Copenhagen University, Дания; Ecole Nationale Supérieure Agronomique, Франция), валюта курси беқарорлиги шароитида трансакцион харажатларини таннархга мослаштиришни эконометрик моделлари ишлаб чиқилган (University of Southern Queensland, Австралия), экологик муаммолар натижаси вужудга келаётган аграр тармоқдаги ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлган эконометрик моделлар ишлаб чиқилган (Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ўзбекистон).

Жаҳонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ташқи самараларни аниқлаш, бошқариш ва ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиш муаммолари ва устуворликлари, маҳсулотларини етиштиришга

de l'EAERE, Jun 1996, Lisbonne, Portugal. 16 p. fhal-02282262f; Abildtrup, Jens & Jensen, Frank & Dubgaard, Alex. (2010). The coase theorem and real markets : an empirical analysis of negotiations between waterworks and farmers in Denmark.; Natali, F., & Branca, G. (2020). On positive externalities from irrigated agriculture and their policy implications: An overview. *Economia Agro-alimentare/Food Economy - Open Access*, 22(2). <https://doi.org/10.3280/ecag2-2020oa10412>; Jussi Lankoski, Markku Ollikainen, Agri-environmental externalities: a framework for designing targeted policies, *European Review of Agricultural Economics*, Volume 30, Issue 1, 1 March 2003, Pages 51–75, <https://doi.org/10.1093/erae/30.1.51>; Ж.Сауханов, Т.Шодиев. Провалы рынков и государственное регулирование внешних эффектов. Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса. Тезисы и доклады международной научно-практической конференции. - МГУ, 2010. - с. 463.; Saukhanov Janibek. (2020). чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда ташқи самаранинг таъсири. 10. 78-84.;

ижобий ва салбий ташқи самаралар таъсирини баҳолаш, ташқи самаралар мавжуд бўлган шароитда оптимал тартиблаштириш масалаларини моделлаштириш, трансакция харажатларини пасайтириш механизмаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммоанинг ўрганилганлик даражаси. Экологик муаммолар кескинлашаётган бир пайтда ташқи самараларни тадқиқ қилиш масалалари жуда долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда ташқи самараларнинг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Милденбергер С.Д., Тисдел Клемен, Тисдел Клем, Корнес Р., Сандлер Т., Вариан Х. Р., Бучхолз В., Руббелке Д., Арилд Ватн, Даниел В. Бромлей, Папандреоу А.А. ва Рандалл А. кабилар тадқиқотларида ўрганилган⁵. Шунингдек, Виллиам Д. Нордхаус, Феликс Шлапфер, Меадовкрофт Жон, Прабураж Л., Макхач Ж., Трантинова М., Занкова Л., Диттрич Р., Врефорд А., Моран Д., Лаура Сентемери, Каллон Мишел⁶ ва бошқаларнинг илмий изланишларида иқлим ўзгаришлари, ташқи самараларнинг қишлоқ хўжалигига таъсири, экологик муаммолар натижасида келиб чиқаётган экстерналийлар тадқиқ қилинган.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари олимларидан Чеплянский А.В., Миронова И.А., Дьячкова, А.В., Кравченко Р.Г., Цвиль М.М., Шумилина В.Е., Иванова И.А., Савкин В.И., Байдаков А.А.⁷ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида

⁵ Mildenberger, C.D. A liberal theory of externalities?. *Philos Stud* 175, 2105–2123 (2018). <https://doi.org/10.1007/s11098-017-0950-1>; Tisdell Clement, Tisdell Clem. (1970). On the Theory of Externalities. *The Economic Record*. 46. 14–25. 10.1111/j.1475-4932.1970.tb02462.x.; Cornes R., Sandler T. (1996). *The Theory of Externalities, Public Goods, and Club Goods* (2nd ed.). Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/CBO9781139174312; Varian, H. R. (2006). *Intermediate microeconomics* (7th ed.). New York and London: W. W. Norton and Co.; Buchholz W., Rübhelke D. (2017) *The Theory of Externalities and Public Goods: The Lifework of Richard Cornes*. In: Buchholz W., Rübhelke D. (eds) *The Theory of Externalities and Public Goods*. Springer, Cham. https://doi.org/10.1007/978-3-319-49442-5_1; ARILD VATN, DANIEL W. BROMLEY, Externalities – A Market Model Failure. *Environmental and Resource Economics* 9: 135–151, 1997.; Papandreou, A. A. (1994) *Externality and Institutions*. Oxford: Clarendon Press; Randall, A. (1974), ‘Coasian Externality Theory in a Policy Context’, *Natural Resources Journal* 14, 35–54.

⁶ William D. Nordhaus. *Climate change: The Ultimate Challenge for Economics*, Prize Lecture, December 8, 2018. Yale University, USA.; Felix Schläpfer. *External Costs of Agriculture Derived from Payments for Agri-Environment Measures: Framework and Application to Switzerland*. *Sustainability* 2020, 12, 6126; doi:10.3390/su12156126; Meadowcroft, John. (2004). Externalities and the proper role of government. *Economic Affairs*. 24. 77–77. 10.1111/j.1468-0270.2004.00501.; L. Praburaj. “Role of Agriculture in the Economic Development of a Country.” *Shanlax International Journal of Commerce*, vol. 6, no. 3, 2018, pp. 1–5. DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.323056>; J. Macháč, M.Trantinová, L.Zaňková. Externalities in agriculture: How to include their monetary value in decision-making?. *International Journal of Environmental Science and Technology* (2021) 18:3–20. <https://doi.org/10.1007/s13762-020-02752-7>; Dittrich R, Wreford A, Moran D (2016) A survey of decision-making approaches for climate change adaptation: are robust methods the way forward? *Ecol Econ* 122:79–89. <https://doi.org/10.1016/j.ecolecon.2015.12.006>; Laura Centemeri, “Environmental Damage as Negative Externality: Uncertainty, Moral Complexity and the Limits of the Market”, e-cadernos CES [Online], 05 | 2009, Online since 01 September 2009, connection on 21 September 2021. URL: <http://journals.openedition.org/eces/266>; DOI: <https://doi.org/10.4000/eces.266>; Callon, Michel (1998), “An Essay on Framing and Overflowing: Economic Externalities Revisited by Sociology”, in Michel Callon (ed.), *The Laws of the Markets*. Oxford, UK: Blackwell Publishers, 244–269.;

⁷ Чеплянский А.В. Экстерналии в аграрном секторе и направления их интернализации / А.В. Чеплянский, М.А. Лагун // *Науч. Стремления*. – 2014. – №9 – с. 99 – 102.; Миронова, И.А. (2016). внешние эффекты реализации инновационного проекта. *Meždunarodnyj Naučno-issledovatel'skij Žurnal*. 2016. 10.18454/IRJ.2016.50.103.; Дьячкова, А.В. Экономика общественного сектора : [учеб. пособие] / А. В. Дьячкова ; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2016. — 166 с.; Кравченко Р. Г. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. – М.: Колос, 2009. - 424 с.; Цвиль М.М., Шумилина В.Е. Эконометрический анализ и моделирование в сельском хозяйстве// *Инженерный вестник Дона*, №4 (2014).; Иванова И.А. Прогнозирование экономических рисков в сельском хозяйстве с учетом цикличности его развития/ Иванова И.А.// *Вестн. НГУЭУ*. – 2013. – №4. – С. 229–238.; Савкин В.И. Развитие экологического менеджмента в аграрном секторе экономики: теория, методология, практика:

қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалигидаги жараёнларни эконометрик моделлаштириш, тармоқда экологик бошқарувни ривожлантириш, соҳани оптималлаштириш жараёнларини моделлаштириш масалалари кенг ёритилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Гулямов С.С., Шодиев Т.Ш., Махмудов Н.М., Беркинов Б.Б., Досчанов Т.Д., Рузметов Б., Аимбетов Н.Қ., Абдуллаев И.С., Жумаев И.К., Тошматов Р.Х.⁸ ва бошқаларнинг илмий изланишларида эконометрик моделлаштириш, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ўзгаришлар ва тенденциялар, трансакция харажатлар, қишлоқ хўжалигига экологик таъсирларини баҳолаш муаммолари имкон қадар тадқиқ этилган.

Аммо, қишлоқ хўжалигида ташқи самаралар таъсирини тадқиқ қилиш, экстерналийлар таъсирини камайтириш, қишлоқ хўжалигида трансакция харажатлари таркиби ва динамикаси кам ўрганилган. Салбий ташқи самаралар таъсири кучаяётган шароитда трансакция харажатларини таркибий қисмларини такомиллаштириш ва уни пасайтириш омиллари илмий жиҳатдан ҳали ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон бозор иқтисодиёти институтининг илмий - тадқиқот ишлари режаси, 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-2017-0928465 “Қорақалпоғистонда агротуризмни ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари” мавзусидаги давлат амалий гранти ва Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий - тадқиқот ишлари режаси, 2015-2017 йилларда бажарилган Ф-1-77-сонли “Жанубий Орол бўйи экологик шароитида Шимолий-ғарбий Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жадал ривожлантиришнинг минтақавий методикасини, методологиясини ва стратегиясини ишлаб чиқиш (Қуйи Амударё иқтисодий тумани мисолида)” фундаментал тадқиқотлар давлат грантлари доирасида бажарилган.

автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05 / Савкин В.И. – Орел, 2011. – 51с.; Байдаков А.А. Прогнозирование структурных изменений развития аграрного предпринимательства: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Байдаков Александр Андреевич – Ставрополь, 2016. – 239 с.; Меденников В.И., Муратова Л.Г., Сальников С.Г., Горбачев М.И. Экономико-математическое моделирование сценариев информатизации сельского хозяйства// Международный сельскохозяйственный журнал. 2018. №4. С. 23-27.

⁸Gulyamov S.S., Abdullaev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranishlarni prognozlashtirish. /B.To'rayevning umumiy tahriri ostida. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 284 bet; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. – 380 с.; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко перерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: ТГЭУ. 1993. - 36 с.; Беркинов Б.Б., Ш.Дж.Эргашходжаева. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. – Т.: “Fan va texnologiya” 2017, 236 бет; Досчанов Т.Д. Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. дисс. на. соис. докт. экон. наук. Т.: 1990. – 405 с., Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: 1998. - 39 с.; Aimbetov N.Q. Ta'biyattan paydalaniv ekonomikasinn' teorialiq tiykarlari. No'kis. Pim. 2018. - 200 b., Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. икт.фан.док. автореф. – Т.: ТДИУ. 2017. – 66 б., Жумаев И.К. Фермер хўжаликлари ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини эконометрик башоратлаш. Икт.фан.док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т.: 2011 – б.43.; Ташматов Р.Х. Қишлоқ хўжалигида трансакция харажатларининг таснифлари ва уларни бошқариш муаммолари // “Биржа эксперт” журнали. – Т., 2015. – № 10 – Б. 32-35.

Тадқиқотнинг мақсади аграр тармоқда ташқи самараларнинг таъсирини оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатлари таркибини оптималлаштириш асосида камайтириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни баҳолашнинг муқобил усулларини тадқиқ қилиш ва ташқи самараларни тартибга солишнинг оптимал ечимларига эга бўлишда иқтисодий-математик моделлар аҳамиятини асослаш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатларини оптималлаштириш механизмларининг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва уни Қорақалпоғистон Республикасига қўллаш имкониятларини ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикасида ерларнинг шўрланиш даражасини қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш;

ерларни шўрланиши натижасида вужудга келаётган ташқи самараларни баҳолаш ва уларнинг таъсирини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмига таъсирини баҳолаш ва ресурслар танқислиги шароитида экинларни оптимал жойлаштириш эконометрик моделини яратиш;

Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ташқи самаралар таъсирини камайтиришда яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш;

минтақада чорвачиликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ҳамда унинг соҳалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш механизмлари ишлаб чиқиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий абстракция, таҳлил, синтез, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эҳтимоллар ва математик-статистик, кўп омилли эконометрик таҳлил, дастурий мақсадли, тизимли-мантиқли таҳлил ҳамда сценарий усулларидан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштиришда, ички ва ташқи трансакция харажатларини пасайтиришда, вертикал интеграциялашган корпоратив тузилмалардан фойдаланишнинг миқдорий баҳолашда вариацион кенглик кўрсаткичи асосида миқдор ва сифат самарадорлигини чегаравий нуқталарини аниқлаш зарурлиги асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига таъсир қилаётган ташқи самара (экстерналий)-ларни тартиблаштиришда солиқ юкини белгилаш имкониятлари мустақил белгилашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ташқи самараларни тартиблаштиришнинг трансакция харажатлари ва рискларни камайтириш, фойда нормасини кўпайтириш, ижтимоий-иқтисодий, технологик самарадорликни оширишнинг оптимизацион моделлаш асосида мавсумий тебранишларни ҳисобга олиш таклиф этилган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, ташқи самарани оптимал тартиблаштиришда сув хўжалиги фаолиятини режалаштириш минтақа сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг барча йўналишлари: техник ва технологик, илмий-техникавий, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ассиметрия кўрсаткичларини ҳисоблаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни оптимал тартиблаштиришнинг истиқболли йўналишларини кўп вариантли эконометрик моделлар ёрдамида 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни баҳолашда иқтисодий-математик моделлар аҳамияти асослангани ҳолда трансакция харажатларини оптималлаштириш механизми таклиф қилинган;

ерларни шўрланиш даражасининг маҳсулотлар етиштириш ҳажмига таъсири ишлаб чиқилган эконометрик моделлар ҳамда таклиф қилинган мавжуд меъёрлардан оғишни баҳолаш усули ёрдамида баҳоланган.

ташқи самараларни салбий оқибатларини бартараф этишда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурслари танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлашнинг эконометрик ҳамда оптимизацион моделлари ишлаб чиқилган.

Қорақалпоғистон Республикасида ташқи самараларни оптимал тартиблаштиришнинг истиқболли йўналишлари ҳамда уларнинг прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги, уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган эконометрик моделлар асосида олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатларини оптималлаштириш механизмларининг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва уни такомиллаштирган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасига мослаштириш, ерларнинг шўрланиш даражасининг маҳсулот етиштириш ҳажмига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделлари, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва прогноз

кўрсаткичлари, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ташқи самаралар таъсирини камайтириш, яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг эконометрик моделлари, минтақада чорвачиликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича берилган услубий тавсияларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштиришнинг услубий-назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги статистик усуллар ва эконометрик моделлар, таклиф ва хулосалардан қишлоқ хўжалигида салбий ташқи самаралар таъсирини пасайтириш асосида маҳсулотларни етиштириш ҳажмини ошириш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли давлат, тармоқ, минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, мавсумий тебранишларнинг субъектлар даромадига таъсирини баҳолаш ҳамда олий ўқув юртларида “Статистика ва эконометрика” фанларини ўқитишда ва соҳага оид илмий тадқиқот ишланмаларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштиришда, ички ва ташқи трансакция харажатларини пасайтиришда, вертикал интеграциялашган корпоратив тузилмалардан фойдаланишнинг миқдорий баҳолашда вариацион кенглик кўрсаткичи асосида миқдор ва сифат самарадорлигини чегаравий нуқталарини аниқлаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги №06/11-01-10/-491-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ташқи самаралар мавжуд бўлган шароитда трансакция харажатларини камайтириш имкониятини яратган;

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига таъсир қилаётган ташқи самара (экстерналий)-ларни тартиблаштиришда солиқ юкини белгилаш имкониятлари мустақил белгилаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қишлоқ хўжалиги ислохотлари, ички озиқ-овқат барқарорлигини мувофиқлаштириш департаментининг истиқболли режалари амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги №06/11-01-10/-491-сон маълумотномаси). Ерлар шўрланиш даражаларини қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмига таъсирини аниқ миқдорий қийматларини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш имкониятини яратган;

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ташқи самараларни тартиблаштиришнинг трансакция харажатлари ва рискларни камайтириш, фойда нормасини кўпайтириш, ижтимоий-иқтисодий, технологик самарадорликни оширишнинг оптимизацион моделлаш асосида мавсумий тебранишлар бўйича ишлаб чиқилган эконометрик моделлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги №06/11-01-10/-491-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан трансакция харажатлари ва рискларни камайтиришда технологик самарадорликни оширишнинг ташқи самаралар таъсирини аниқлашда фойдаланилган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, ташқи самарани оптимал тартиблаштиришда сув хўжалиги фаолиятини режалаштириш минтақа сув ресурсларидан оқилona фойдаланишнинг барча йўналишлари: техник ва технологик, илмий-техникавий, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ассиметрия кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги №06/11-01-10/-491-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш қишлоқ хўжалигини сув ресурслари танқислигининг турли шароитларига мос бўлган ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни оптимал тартиблаштиришнинг истиқболли йўналишларини кўп вариантли эконометрик моделлар ёрдамида 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 7 февралдаги №06/11-01-10/-491-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижалари минтақада чорвачилик йўналишлари ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг истиқболдаги кўрсаткичларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий ғояси ва натижалари маърузалар шаклида 4 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тавсия этган илмий журналлардан: 3 та нуфузли хорижий журналда, маҳаллий журналларда 12 та илмий мақола нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 226 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мамлакат фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шарҳи, илмий ишнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни баҳолаш ва тартиблаштиришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида ташқи самараларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирининг назарий-услубий асослари, қишлоқ хўжалигида ташқи самара (экстерналий)-ларни баҳолашнинг муқобил усуллари, уларни тартибга солишнинг оптимал ечимларига эга бўлишда иқтисодий математик моделлар аҳамияти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатларини оптималлаштириш механизмлари тадқиқ қилинган.

Ташқи самаралар таъсирини камайтиришда муҳим ёшдашувлардан бири интернализация⁹, яъни субъектлар қарор қабул қилиш жараёнларини ташқи самараларни инобатга олган ҳолда ўзгартиришдир. Бошқача қилиб айтганда, учинчи томоннинг ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш имкониятларининг ҳар қандай ўзгариши бозор нархлари ўзгариши билан акслантирилиши лозим.

Интернализацияга тўрт хил усулда эришиш мумкин:

1. музокоралар олиб бориш;
2. нархларни таргетлашга йўналтирилган ҳукумат қарорлари;
3. миқдорни таргетлашга йўналтирилган ҳукумат қарорлари;
4. экологик таълим ва маданиятни ошириш орқали.

Ташқи самараларнинг келиб чиқиши жамоатчиликка тегишли ва ўзига хос мулкый ҳуқуқларга эга бўлмаган экологик товарлар билан боғлиқ бўлади. Бу кўринишдаги ижтимоий неъматлар иккита мезонга кўра аниқланади, яъни рақобатчига эга бўлмаслик ва истеъмолдаги ноаниқлик. Қишлоқ хўжалигининг экология ва иқлим ўзгариши билан бевосита боғлиқлиги, унинг ташқи самаралардан юқори даражада таъсирланишига сабаб бўлади. Одатда, қишлоқ хўжалигида учрайдиган ташқи самара турларини бешта хусусиятга эгаллиги таъкидланади¹⁰. Жумладан:

- ташқи самаралар учун харажатлар кўпинча эътибордан четда қолади;
- ташқи самаралар натижалари вақт ўтиши билан юзага чиқади;
- манфаатлари ифодаланмаган гуруҳларга зарар етказади;
- ташқи самарани келтириб чиқарувчи субъект ҳар доим ҳам маълум бўлмайди;
- субоптимал иқтисодий, сиёсий ечимлар ишлаб чиқишга сабаб бўлади.

⁹ Eidelwein, Fabrício & Collatto, Dalila & Rodrigues, Luis & Lacerda, Daniel & Piran, Fabio. (2017). Internalization of environmental externalities: Development of a method for elaborating the statement of economic and environmental results. *Journal of Cleaner Production*. 170. 10.1016/j.jclepro.2017.09.208.

¹⁰ Pretty J.N., Brett C., Gee D., Hine R.E., Mason C.F., Morison J.I.L., Raven H., Rayment M.D., van der Bijl G. (2000) An assessment of the total external costs of UK agriculture. *Agricultural Systems*65. pp. 113 – 136.

Ташқи самаралар субъект учун қўшимча сарфни келтириб чиқаради ва ундан ҳеч қандай наф олинмайди. Шу сабабли, ишлаб чиқарувчи субъектлар ушбу масалага эътибор қаратишдан қочишга ҳаракат қилишади. Натижада, ташқи самаралар оқибатларини баҳолаш ва уларни тартибга солишнинг самарали усулларини излаб топишга зарурат туғилади (1-жадвал).

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигида ташқи самараларни баҳолаш усуллари¹¹

Баҳолаш усуллари	Баҳолаш асоси	Тадбиқ этилиши
Белгиланган афзаллик усуллари		
Шартли баҳолаш ¹²	Респондентнинг баъзи ижтимоий маҳсулотни қўллаб қувватлаш/техник хизмат кўрсатиш учун тўлашга тайёр бўлган пул маблағлари миқдорини аниқлаш	Ижтимоий маҳсулотнинг жами қиймати
Танловни моделлаштириш ¹³	Респондентларнинг маълум бир экологик воситаларни танлаши, ижтимоий маҳсулот қийматини аниқлаш	Ижтимоий маҳсулотнинг жами қиймати
Аниқланган афзаллик усуллари		
Саёҳат нархи ¹⁴	Муқобил харажатларни баҳолаш асосида респондентларнинг рекреацион ҳудудга саёҳат қилиш харажати аниқлаш.	Рекреацион фойда
Гедоник нархлар ¹⁵	Кўчмас мулк нархидаги фарқлардан фойдаланган ҳолда ижтимоий маҳсулотлар такдим этиладиган ва мавжуд бўлмаган ҳудудларда уларнинг қийматини аниқлаш	Ҳаво сифати, ландшафт гўзаллиги, маданий қадриятлар
Фойдани трансфер қилиш усуллари		
Бирлик қийматни трансфер қилиш ¹⁶	Бозор орқали ва усиз таъминладиган экотизим маҳсулотлари ва бошқа жойлар афзалликларини аниқлаш	Ижтимоий маҳсулотнинг жами қиймати
Фойда функциясини трансфер қилиш ¹⁷		
Мета-тахлил ¹⁸		
Мавжуд меъёрлардан оғишни баҳолаш усули		
Меъёрларга нисбатан оғишни баҳолаш ¹⁹	Ташқи самараларнинг вужудга келиши натижасида учинчи субъектга етказилган зарар (фойда)ни нормал шароитга нисбатан оғишини коэффициентларда ифодалаш ва харажатларни баҳолаш.	Нобозор маҳсулотнинг тўлиқ қиймати

Келтирилган барча усулларда ташқи самара ёки унинг таркиби натижаси яхшиланиши учун ушбу жараёнда қатнашувчи шахсларнинг қанча тўлашга

¹¹ Манба: илмий тадқиқотлар натижаларини ўрганиш асосида муаллиф ишланмаси

¹² Kubičková S. (2004) Non-market evaluation of landscape function of agriculture in the PLA White Carpathians. *Agricultural Economics*, 50, pp. 388 – 393.; Yrjola T., Kola J. (2004) Consumer Preferences Regarding Multifunctional Agriculture. *International Food and Agribusiness Management Review*, 7 (1), 34. p.

¹³ Jianjun J., Chong J., Thuy T.D., Lun L. (2013) Public preferences for cultivated land protection in Wenling City, China: A choice experiment study. *Land Use Policy*, 30, pp. 337 – 343.; Grammatikopoulou I., Poutaa E., Salmiovirtab M., Soini K. (2012) Heterogeneous preferences for agricultural landscape improvements in southern Finland. *Landscape and Urban Planning*, 107, pp. 181 – 191.

¹⁴ Heal G. (2000) Valuing ecosystem services, *Ecosystems*, 3, pp. 24 – 30.

¹⁵ Vanslebrouck I., Van Huylenbroeck G., Van Meensel J. (2005) Impact of Agriculture on Rural Tourism: A Hedonic Pricing Approach. *Journal of Agricultural Economics*, 56 (1), pp. 17 –30.; Le Goffe P. (2000) Hedonic Pricing of Agriculture and Forestry Externalities. *Journal Environmental and Resource Economics* 15, pp. 397 – 401.

¹⁶ Brouwer R. (2000) Environmental Value Transfer: State of the Art and Future Prospects, *Ecological Economics* 32, pp. 137 – 152.

¹⁷ Brouwer R., Spaninks F.A. (1999) The validity of environmental benefits transfer: Further empirical testing. *Environmental and Resource Economics* 14, pp. 95 – 117.

¹⁸ Randall A., Kidder A., Chen D. (2008) Meta Analysis for Benefits Transfer – Toward Value Estimates for Some Outputs of Multifunctional Agriculture. Available at: <http://ageconsearch.umn.edu/bitstream/43648/2/013.pdf>, 15 January 2014.

¹⁹ Манба: муаллиф ёндашуви

тайёрлигини билиш мақсадида ишлатиладиган сўровнома натижаларига асосланган гипотетик бозорлардан фойдаланилади. Ушбу сўровномалар баҳоланадиган товар ёки хизматнинг тавсифи, шунингдек, гипотетик бозорда шахсга таклиф қилинадиган трансакциянинг тавсифини ўз ичига олади.

Ташқи самараларни тартиблаштиришда Пигу солиғини жорий қилиш хорижда кенг қўлланиладиган ва аҳамиятли усуллардан бири ҳисобланади. У қуйидаги шаклда амалга оширилади, яъни солиқ ставкаси t ўрнатилади, бунда $t = e'(x^*)$ бўлиши лозим. Биринчи фермер хўжалиги учун мазкур солиқ ставкаси ташқи самарани ички харажатларга айлантириш имконини беради.

$$\pi_1 = p_x x - c_x(x) - tx \quad (1)$$

Биринчи тартибли ҳосила натижаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$p_x = c'_x(x) + t = c'_x(x) + e'(x^*) \quad (2)$$

Яъни ижтимоий оптималлик билан бир хил.

Биринчи фермер хўжалиги ўз ҳаракатларининг нотўғри нархига дуч келганда рақобатлашган мувозанат натижаларидан кам бўлган ижтимоий оптималликка олиб келадиган $t = e'(x^*)$ солиқ солиниши талаб қилинади.

Тармоқда ташқи самараларни қўшимча харажатларини келтириб чиқаришини инобатга олган ҳолда, трансакция харажатларини пасайтириш механизмларини тартиблаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб ўтилди. Бунда мавжуд назарий билимлар асосида трансакция харажатларини таснифи шакллантирилиб, уларнинг таркибий қисмлари такомиллаштирилди (2-жадвал).

Таҳлил натижаларидан кўринадики, қишлоқ хўжалигида трансакция харажатлари бошқа соҳаларга нисбатан анча юқори бўлиб, кўплаб мураккаб жараёнлардан ташкил топади. Бу эса ушбу харажатларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Чунки, айланма маблағларни молиявий бошқариш тизимида трансакция харажатлари қарор қабул қилишдаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар умумий харажатларидан трансакция харажатларини ажратиш анча мураккаб бўлиб, харажатларнинг бундай унсури бухгалтерия ҳисобида кўзда тутилмаган ҳолда содир бўлади. Шунингдек, айнан қишлоқ хўжалигида ушбу харажатларнинг аксарият қисми норасмий тарзда намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалиги тузилмаларини шартнома тузиш босқичлари асосида трансакция харажатларини таснифлаш микро ва макроиктисодий даражада миқдорий баҳолаш масаласини ойдинлаштиришга имкон беради. Трансакция харажатларини гуруҳлаш ва ҳисоблаш учун таклиф этилган алгоритм ҳар бир унсур учун ҳам, уларнинг умумий миқдори учун ҳам идентификациялашни ва мониторингни осонлаштиради, бу эса узоқ муддатли шартномалар тузиш харажатлари ҳақида объектив маълумот олиш имконини беради.

Трансакция харажатлари таснифи ва улар таркибий қисмлари²⁰

№	Харажат номи	Ҳисоблаш формуласи	Ўзгарувчилар шарҳи
Ex ante харажатлар битим тузилгунга қадар келиб чиқадиган харажатлар			
1.	Ахборотни қидириш, қайта ишлаш ва уни сақлаш харажатлари (DSAS)	$DSAS = AdC + PSIA + QSQ + SASP + BTC + CSP + DALC$	AdC - реклама харажатлари; PSIA - ахборот агентликлар хизмати учун тўловлар; QSC - сўровномалар ўтказиш харажатлари; SASP - савдо агентлари хизматлари учун тўловлар; BTC - хизмат сафари харажатлари; CSP - алоқа хизматлари учун тўлов (телефон, Internet); DALC - ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш жараёнидаги ишчи кучи харажатлари.
2.	Музокаралар олиб бориш харажатлар (NC)	$NC = RE + SASP + BTC + UCIN$	RE - вакиллик харажатлари, яъни хулоса ва шартномаларни рўйхатдан ўтказиш харажатлари; UCIN - музокалар олиб боришда вужудга келадиган кўзда тутилмаган харажатлар.
3.	Ўлчаш харажатлари (MC)	$MC = CFS + EFC + OCTID + SSC + UCQM$	CFS - назорат қилувчи ходимлар учун харажатлар; EFC - махсус асбоб-ускуналар, ўлчов асбобларини лаборатория синовларидан ўтказиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар; OCTID - техник назорат бўлими (сифат бўлими)нинг устама харажатлари; SSC - маҳсулот ёки хизматни муайян стандарт ёки хусусиятларга жавоб беришини тасдиқлаш учун сертификатлашни ўтказиш харажатлари; UCQM - ўказилган сифат таҳлилларини тан олинмаслиги ёки қўшимча сифат тестларини ўтказилишини талаб қилишини натижасида келиб чиқадиган қўшимча харажатлар.
Ex post харажатлар битим тузилгандан кейин келиб чиқадиган харажатлар			
1.	Мониторинг харажатлари (MonC)	$MonC = CSPDC + CAA + EMC + CM + CTS$	CSPDC - маҳсулотни йиғиб олиш ва оморга жойлаш жараёнидаги гуруҳлаш ва саралаш харажатлари. CAA - бухгалтер ва аудитор хизматлари учун тўлов; EMC - омордаги маҳсулотлар мониторингини олиб боровчи ходимларга тўловлар; CM - менежер хизматлари учун тўлов; CTS - транспорт хизматлари учун тўлов.
2.	Тўлиқ олинмаган тушум шаклдаги харажатлар	-	-
3.	Ўзига хослик ва ҳуқуқларни химоя қилиш харажатлари (SRPC)	$SRPC = SDP + PFSB + PLS + FPE + InP$	SDP - давлат божи тўлови; PFSB - суд ижрочилари хизматлари учун тўлов; FPE - жарималар, пеня ва бошқалар. InP - суғурта бадали ва суғурта хизматларидан фойдаланиш учун тўловлар.

Юқорида келтириб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, трансакция харажатларини тўғри ҳисобини юритиш корхонанинг келгусидаги рискларини камайтириш, фойда нормасини ошириш, маҳсулот сифати юқорилигини, бозорда ўз имиджи ва харидорларига эга бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг “Ерларнинг шўрланиши натижасида келиб чиқадиган ташқи самараларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини баҳолаш” номли иккинчи бобида ерларнинг шўрланиш

²⁰ Манба: муаллиф ишланмаси.

даражасининг статистик таҳлили амалга оширилган, шўрланган ерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва турларига таъсири баҳоланган.

Мазкур муаммонинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш мақсадида ерларнинг шўрланиш даражаларининг умумий статистик таҳлилига эътибор қаратилди (3-жадвал).

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида ерларнинг шўрланиш даражаси ўзгаришининг статистик таҳлили (1991-2020 йй.)²¹

	Жами суғориладиган майдонлар (минг.га)	шўрланмаган майдон улуши (фоиз)	Жами шўрланган майдон улуши (фоиз)	кам шўрланган майдон улуши (фоиз)	ўрта шўрланган майдон улуши (фоиз)	кучли шўрланган майдон улуши (фоиз)
Ўртача	503.0	18.6	81.4	38.3	33.5	9.6
Стандарт хатоси	2.4	1.4	1.4	1.6	0.7	0.5
Медиана	502.6	20.8	79.2	32.9	34.2	10.2
Мода	509.5	#М/Й	# М/Й	# М/Й	# М/Й	# М/Й
Стандарт оғиши	13.2	7.5	7.5	9.0	3.9	2.6
Танлов дисперсияси	173.6	55.8	55.8	80.5	15.2	6.8
Эксцесс	5.3	-1.1	-1.1	-1.6	-0.5	0.9
Асимметрик даражаси	-1.9	0.1	-0.1	0.5	-0.6	-0.8
Оралик	64.3	24.8	24.8	26.0	14.7	11.4
Минимум	454.7	7.3	67.9	28.9	24.2	3.9
Максимум	519.0	32.1	92.7	54.9	38.9	15.3
Йиғиндиси	15089.0	557.5	2442.5	1149.6	1003.7	289.1
Ҳисоб	30.0	30.0	30.0	30.0	30.0	30.0
Ишончлилик даражаси (95.0%)	4.9	2.8	2.8	3.4	1.5	1.0

Қорақалпоғистон Республикасида 1991-2020 йилларда жами суғориладиган ерларнинг ўртача майдони 503,0 минг гектарни ташкил қилиб, вариацион кенглик кўрсаткичи 64,3 гектарга тенг бўлган ва деярли ўзгармаган.

Ерларнинг шўрланишини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар самарадорлигини ўлчаш, мазкур жараёндаги ўзгаришларнинг эҳтимоллик даражасини баҳолаш мақсадида Куртоз кўрсаткичидан фойдаланилди.

$$kurtosis = \frac{\sum_{i=1}^N (Y_i - \bar{Y})^4 / N}{s^4} - 3$$

Бу ерда: Y_i - тўпلامдаги кузатувлар $i=1...N$, \bar{Y} – ўртача миқдор, N – тўпلامдаги кузатувлар сони, s – ўртача квадратик четланиш.

Жами шўрланган ва шўрланмаган экин майдонлари улушининг куртоз коэффиценти -1,1 га тенг бўлмоқда. Куртоз кўрсаткичининг энг юқори

²¹ Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

манфий қиймати кам шўрланган ерлар улушига тўғри келгани ҳолда -1,6 бирликка тенг. Жами суғориладиган майдонларнинг ўзгариши бўйича 5,3 қиймати ташкил қилмоқда, бу эса етарли даражада юқори қиймат бўлиб, кўзда тутилмаган кескин ўзгаришлар анча юқори эканлигини ифодалайди.

Шунингдек, ассиметрия кўрсаткичидан маълумотларни ўртача миқдорга нисбатан тарқалиш ассиметриясини ҳисоблаш мақсадида фойдаланилди.

$$Skewness = \frac{\sum_{i=1}^N (Y_i - \bar{Y})^3 / N}{s^3}$$

Бу ерда: Skewness – ассиметрия кўрсаткичи.

Ассиметрия кўрсаткичлари барча ҳолатларда деярли нолга яқин бўлиб, фақат жами суғориладиган майдонлар бўйича аниқланган кўрсаткич бироз паст ва манфий қийматга эга. Яъни, чапга оғиш мавжуд бўлиб, кескин ўзгаришни ифодаловчи кўрсаткичлар ўртача миқдорга нисбатан чапда жойлашганлигини кўрсатади ва риск даражасида салбий натижаларга эга бўлиш эҳтимоллигини оширади.

Ерларнинг шўрланиш даражасининг қишлоқ хўжалиги ҳамда унинг муҳим тармоқлари: деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга таъсири эконометрик моделлар асосида баҳоланди. Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун регрессион таҳлил усулидан ҳамда 2000-2020 йиллар маълумотларидан фойдаланилди.

Кам шўрланган ерларнинг таъсирини баҳоловчи коэффициентнинг адекват эмаслигини инобатга олган ҳолда ўртача ва кучли даражада шўрланган ерларнинг таъсири баҳоланди.

$$\begin{aligned} AGRTOT &= 25.29 + 3.70 * S_2 - 9.12 * S_3 & (1) \\ se &= (13.47) \quad (0.36) \quad (0.54) \\ t &= (1.88) \quad (10.35) \quad (-17.02) \\ R^2 &= 0.94 \quad F = 213.38 \quad D_w = 1.27 \end{aligned}$$

Бу ерда: AGRTOT – қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот реал қиймати миллиард сўмда (2000 йил нархида); S₂ - Жами суғориладиган майдонда ўртача шўрланган ерлар улуши (фоизда), S₃ - Жами суғориладиган майдонда юқори шўрланган ерлар улуши (фоизда)

Кучли шўрланган ерлар улушининг бир фоизга пасайиши ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти миқдорини 9,12 миллиард сўмга кўтарилишига сабаб бўлади. Бунга кўра, ўрта даражада шўрланган ерлар улушининг бир фоизга камайиши унинг кучли шўрланган ерлар қисмига ўтиши ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 12,80 (3.70+9.12) миллиард сўмга камайишига сабаб бўлади. Агар кучли даражада шўрланган ерлар улушини бир фоизга камайтириб, бунинг эвазига ўрта даражада шўрланган ерлар улушини бир фоизга оширсак, маҳсулот етиштириш миқдорини 10,5 фоизгача ошириш мумкин.

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмига ерларнинг шўрланиш даражалари таъсирини баҳолаш натижаларига кўра кам шўрланган ерлар улуши таъсирини ифодаловчи коэффициент адекват эмаслиги аниқланди.

$$\begin{aligned}
CROP &= 30.24 + 1.31 * S_2 - 4.59 * S_3 & (2) \\
se &= (8.42) \quad (0.22) \quad (0.34) \\
t &= (3.59) \quad (5.85) \quad (-13.69) \\
R^2 &= 0.90 \quad F = 117.84 \quad D_w = 1.15
\end{aligned}$$

Бу ерда: Бу ерда: *CROP* – минтақада яратилган деҳқончилик маҳсулотининг реал қиймати миллиард сўм (2000 йил нархида).

Натижаларга кўра, ўрта даражада шўрланган ерлар улушининг бир фоизга ошиши деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 1,31 миллиард сўмга оширса, кучли даражада шўрланган ерлар улушининг бир фоизга камайиши 4.59 миллиард сўмга оширади.

Чорвачиликда маҳсулот етиштиришга ўрта даражада шўрланган ерлар таъсирини баҳоловчи коэффициенти Стьюдент мезони бўйича адекват эмас.

$$\begin{aligned}
LIVESTOCK &= 92.91 - 0.96 * S_1 - 2.89 * S_3 & (3) \\
se &= (3.13) \quad (0.08) \quad (0.26) \\
t &= (29.71) \quad (-12.52) \quad (-10.98) \\
R^2 &= 0.94 \quad F = 221.6 \quad D_w = 1.38
\end{aligned}$$

Бу ерда: *LIVESTOCK* – минтақада яратилган чорвачилик маҳсулотининг реал қиймати миллиард сўм (2000 йил нархида); S_1 - Жами сугориладиган майдонда кам шўрланган ерлар улуши (фоизда).

Натижалар кам ва кучли даражада шўрланган ерлар улушининг бир фоизга камайиши жами етиштирилган чорвачилик маҳсулоти ҳажмини 3,85 миллиард сўмга, яъни 7,2 фоизга оширади. Бундан кўринадики, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ерларнинг шўрланиш даражасидан нисбатан кам таъсирланади.

Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга чорвачилик ва деҳқончиликнинг таъсирини баҳолаш учун 1991-2020 йиллар маълумотларидан фойдаланилди. Бунда 2000 йил базис сифатида қабул қилинди. Соҳаларнинг умумий тармоқда яратилган маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш учун Коб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланилди.

$$\begin{aligned}
AGRTOT &= 1.94 * LIVESTOCK^{0.59} * CROP^{0.43} & (4) \\
se &= (0.03) \quad (0.02) \quad (0.02) \\
t &= (21.2) \quad (19.3) \quad (31.3) \\
R^2 &= 0.99 \quad F = 74.17 \quad D_w = 1.745
\end{aligned}$$

Аниқланган барча коэффицентлар моделнинг Стьюдент ва Фишер мезонлари бўйича адекват эканлиги, детерминация коэффицентининг бирга яқинлиги модел асосида қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради.

1. Минтақада чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг бир фоизга ошиши ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 0,59 фоизга оширади;

2. Деҳқончилик маҳсулотини етиштиришнинг бир фоизга ошиши эса ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 0,43 фоизга оширади.

3. Минтақада ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмини оширишда чорвачиликнинг таъсири деҳқончиликка нисбатан юқори. Аммо, иккинчи

томондан чорвачилик билан деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми орасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларни ўзаро ҳамкорликда ва мақбул нисбатда ривожлантириш лозим.

Иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқликнинг регрессион боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга бўлди.

$$\begin{aligned} \text{LIVESTOCK} &= \text{CROP}^{0.98} & (5) \\ \text{se} &= 0.011 \\ t &= 87.722 \quad R^2 = 0.83 \end{aligned}$$

Кўрсаткич орасидаги эластиклик коэффиценти деярли бирга тенг бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишда деҳқончиликнинг таъсири ва ривожини ҳам инобатга олиш лозимлигини асослайди.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларини янада аниқлаштириш мақсадида ерлар шўрланишининг таъсири маҳсулот турлари кесимида қараб чиқилди.

$$\left\{ \begin{aligned} Y_{ar} &= 385.0 - 9.6 * S_1 + 20.3 * S_3 \\ Y_{ma} &= -101711.4 + 1136.3 * S_1 + 2673.5 * S_2 - 2188.9 * S_3 \\ Y_{kar} &= 23365.4 + 2382.1 * S_2 - 7947.6 * S_3 \\ Y_{pol} &= -208754.3 + 2429.5 * S_1 + 9148.3 * S_2 - 12168.5 * S_3 \\ Y_{bug} &= 911191 - 11228.9 * S_1 - 10736.8 * S_2 \\ Y_{bd} &= 911416.6 - 11234.8 * S_1 - 10730.2 * S_2 \\ Y_{dd} &= 3466.5 * S_1 + 10464.2 * S_3 \\ Y_{beda} &= -19510.0 + 412.2 * S_1 + 459.8 * S_2 \end{aligned} \right. \quad (6)$$

Бу ерда: Y_{ar} -етиштирилган жами арпа миқдори (тонна), Y_{ma} -етиштирилган жами маккажўхори миқдори (тонна), Y_{kar} -етиштирилган жами картошка миқдори (тонна), Y_{pol} -етиштирилган жами полиз миқдори (тонна), Y_{bug} -етиштирилган жами бугдой миқдори (тонна), Y_{bd} -етиштирилган жами бошоқли дон экинлари миқдори (тонна), Y_{dd} -етиштирилган жами дуккакли дон экинлари миқдори (тонна), Y_{beda} -етиштирилган жами беда миқдори (тонна).

Коэффициентлар адекватлиги Стъюдент ва Фишер мезони бўйича текширилди, ҳамда детерминация коэффиценти (R^2) кўрсаткичлари, Дубин - Уотсон критерийлари бўйича натижаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ерда аниқланган тенгламалардан кўринадики, ерларнинг шўрланиш даражаси баъзи маҳсулотларга ижобий таъсир қилмоқда. Мазкур жараёни ўрганиш мақсадида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра айрим ҳолатларда кам, ўрта ва кучли даражада ерларнинг шўрланиши орасидаги нисбатнинг ўзаро ўзгариши мусбат таъсирни келтириб чиқарган. Бундан ташқари ерларнинг катта қисмининг шўрланган бўлиши ва бу нисбатнинг аста секинлик билан ўзгариши, бошқа томондан маҳсулот ҳажмидаги юқори

ўзгариш ўзаро боғлиқликни ўрганишда қийинчиликларни келтириб чиқараётганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон Республикасида сувдан самарали фойдаланиш оптимал йўналишларини аниқлаш” номли учинчи бобда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмига таъсири, ресурслар танқислиги шароитида юқори даромадга эга ресурс сифими кам бўлган маҳсулотларни аниқлаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурслари танқислигининг ерлар шўрланишига таъсири тузилган эконометрик моделлар асосида баҳоланди:

$$SL = 93,3 - 0,14 * LF \quad (7)$$

$$t = (16,99) \quad (-2,23) \quad R^2 = 0,15$$

Бу ерда: SL – жами суғориладиган майдонда шўрланган ерлар улуши (фоиз); LF – ажратилган жами сув лимитининг ҳақиқатда бажарилиши (фоиз).

Стьюдент мезони ҳар бир коэффициент адекватлигига қарамасдан детерминация коэффициенти жуда кичиклиги ушбу жараёнга кўплаб омиллар таъсири мавжудлигини асослайди. Натижалар жами сув лимитининг ҳақиқатда бажарилиш даражасининг бир фоизга кўтарилиши шўрланган ерлар улуши 0,14 фоизга камайишини таъминлайди. Жами суғориладиган майдонлар ҳажми ҳар бир гектарга тўғри келадиган сув миқдорига таъсирни ҳисобга олган ҳолда шўрланиш даражаси билан боғлиқ чора-тадбирлар самарасини пасайишига, маҳсулот етиштириш ҳажмини камайишига сабаб бўлади. Шу сабабли, жами суғориладиган майдонда шўрланган ерлар улушининг таъсири қараб чиқилди.

$$SL = 232,98 - 0,11 * LF - 0,28 * AL \quad (8)$$

$$t = (5,41) \quad (-1,85) \quad (-3,26) \quad R^2 = 0,39$$

Бу ерда: AL – жами суғориладиган майдон, (минг га.);

Худудда жами суғориладиган майдоннинг минг гектарга оширилиши шўрланган ерлар улушининг 0,28 фоизга камайишига сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда, ажратилган жами сув лимитининг ҳақиқатда бажарилиш даражасининг бир фоизга ошиши эса, бундай улушни 0,11 фоизга камайишига олиб келади.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда унинг ҳажмига мутаносиб равишда суғориладиган ерлар ҳажмидаги ўзгаришнинг бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига таъсири log-lin моделдан фойдаланилган ҳолда баҳоланди:

$$\ln(AGRTOT) = -6,45 + 0,007 * LF + 0,020 * AL \quad (9)$$

$$t = (-2,68) \quad (2,25) \quad (4,03) \quad R^2 = 0,49$$

Бу ерда: $AGRTOT$ – қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот реал қиймати, миллиард сўмда (2000 йил нархида);

Ҳақиқатда лимитнинг бажаралишининг бир фоизга ошиши жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 0,7 фоизга, суғориладиган майдонлар ҳажмини минг гектарга ошиши уни 2,0 фоизга оширади.

Бундай таҳлил қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий қисми бўлган деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ҳам амалга оширилди:

$$\ln(CROP) = -4,76 + 0.007 * LF + 0.015 * AL \quad (10)$$

$$t = (-2.05) \quad (2.25) \quad (3.18) \quad R^2 = 0.41$$

Бу ерда: *CROP* - минтақада яратилган деҳқончилик маҳсулотининг реал қиймати миллиард сўм (2000 йил нархида);

Жами суғориладиган майдонинг минг гектарга ошиши деҳқончилик маҳсулотлари ҳажмини 1,5 фоизга оширишга хизмат қилади. Ҳақиқатда сув лимити бажаралишининг бир фоизга ўзгариши эса деҳқончилик маҳсулотлари ҳажмини 0,7 фоизга оширишни таъминлайди.

$$\ln(LIVESTOCK) = -8,67 + 0.008 * LF + 0.022 * AL \quad (11)$$

$$t = (-2.54) \quad (2.32) \quad (4.54) \quad R^2 = 0.54$$

Бу ерда: *LIVESTOCK* - минтақада яратилган чорвачилик маҳсулотининг реал қиймати миллиард сўм (2000 йил нархида);

Ҳақиқатда сув лимитининг бажарилиши ҳамда жами суғориладиган майдонларнинг чорвачилик маҳсулотлари ҳажмига таъсири бироз юқори бўлиб, мос равишда 0,8 ва 2,2 фоизни ташкил қилмоқда. Шу билан бирга детерминация коэффиценти ҳам нисбатан юқори қийматга эга бўлмоқда.

Тадқиқот доирасида мавжуд ресурслар салоҳиятини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг оптимал ҳажми сценарийлари оптимизацион моделлар асосида аниқланди²².

Мақсад функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, бунда ҳар бир экин турини етиштириш натижасида олинадиган фойда меъёрини инобатга олган ҳолда минтақада экинларни оптимал жойлаштириш эвазига максимал фойда даражасига эришиш масаласи қўйилади.

$$\pi = \sum_{j=1}^n p_j * x_j \rightarrow \max$$

Чегаравий шартлар:

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n a_{ij} * x_j \leq b_i$$

$x_j \geq 0$, j – барча ҳолатлари учун ўринли.

Бу ерда π - минтақада қишлоқ хўжалиги фаолиятдан олинадиган умумий фойда миқдори; p_j - j - маҳсулотни экиш эвазига бир гектар ердан олинадиган

²² Сауханов Ж.К., Мырзатаев С.М. “Farm optimization model”. Гувоҳнома. DGU №12019. ЭҲМ учун яратилган дастурнинг расмий руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида. ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги 09.08.2021 й.

фойда миқдори; x_j - минтақада j - маҳсулот экилган экин майдони; a_{ij} - бир гектар майдонда j - маҳсулотни етиштириш учун фойдаланиладиган i - ресурслар зарур бўлган меъёри;

Асосий чекловлар сифатида мавжуд ер, сув ресурслари ҳажми, ишчи кучи олинган. Мақсад сув ресурслари чекланганлиги шаротида унинг даромад ҳажмига қандай таъсир қилишини баҳолаш ҳисобланади. Бунинг учун сув ресурслари ҳажми ўзгаришини турли вариантларига мос даромад даражалари аниқланган ва 5 та вариантда қараб чиқилган. Мазкур вариантларни ишлаб чиқишда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва бошоқли дон экинлари майдонлари бўйича ҳам алоҳида чегаравий шартлар киритилган (4-жадвал).

4-жадвал

Мавжуд ресурслар салоҳиятини турли вариантларига мос қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг оптимал ҳажми сценарийлари ²³

	1-вариант	2-вариант	3-вариант	4-вариант	5-вариант
Пахта	80000.0	80000.0	80000.0	80000.0	80000.0
Бошоқли дон экинлари	169061.3	40000.1	40000.0	40000.0	40000.0
Маккажўхори, силос	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Маккажўхори, дон учун	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Полиз	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Картошка, эртаги	0.0	7172.7	83767.3	0.0	89835.9
Картошка, кечки	261538.7	269620.0	0.0	0.0	172265.6
Беда	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Беда, пичан	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Беда, сенаж	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Бир йиллик ўтлар	0.0	0.0	306832.7	259338.0	128498.5
Ҳар бир вариант бўйича максимал даромад ҳажми	21207	20675	12287	8366	22404

Биринчи вариантда пахта етиштириш майдони 80000 гектардан, бошоқли дон етиштириш майдони эса 40000 гектардан кам бўлмаслиги шарти берилган ва ажратилган сувдан фойдаланиш самарадорлиги 80 фоизни ташкил қилган ҳолатдаги максимал фойда аниқланган. Натижаларга кўра, минтақада 80000 гектар пахта, 169061,3 гектар бошоқли дон, 261538,7 гектар кечки картошка етиштирилганда мавжуд ер фондидан тўлиқ фойдаланилади ва 21207 миллиард сўм даромадга эга бўлиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Иккинчи вариантда юқоридаги барча шартлар сақлаб қолинган, фақат минтақага ажратилган сув лимитидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи 60 фоиз бўлган ҳолат қараб чиқилган. Мазкур ҳолатда, мавжуд ер фондининг 77,7 фоизидан фойдаланилади. Пахта ва бошоқли дон экинларини экиш майдони белгилаб берилган чегаралар доирасида бўлади, биринчи вариантдан фарқли равишда бошоқли дон экинлари қисқариши эвазига эртаги картошка экин

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли Қарори ҳамда Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 5 январдаги 01-03/1-867-сонли йиғилиши баёнида белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш” бўйича наъмунавий технологик карталар 2016-20120 йиллар учун” Тошкент. 2016.

майдони 7172,7 гектарни, кечки картошка майдони 269620 гектарни ташкил қилади ва даромад миқдори 20675 миллиард сўмни ташкил қилади.

Учинчи вариантда барча экинларни етиштиришда шўр ювиш ишлари амалга оширилади деган шартни бажарган, яъни маҳсулот етиштириш учун сув сарфи меъёрлари 4000 м³га оширилган ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлиги 80 фоизни ташкил қилган ҳолат кўриб чиқилган. Натижада, бир йиллик ўтлар етиштириладиган майдон ошиши кузатилди ва максимал даромад ҳажми пасайиб, 12287 миллиард сўмни ташкил қилиши аниқланди. Тўртинчи вариантда учунчи вариантдаги барча шартлар сақлаб қолинган фақат, сувдан фойдаланиш самарадорлиги 60 фоизгача пасайтирилган. Ушбу вазиятда бир йиллик ўтларни етиштириш максимал даромадни таъминлайдиган асосий экин тури сифатида майдонга чиқади. Фойда миқдори 8366 сўмни ташкил қилгани ҳолда учинчи вариантдагига қараганда 1,5 баробарга камаяди.

Бешинчи вариантда тўртинчи вариантдаги барча шартлар сақлаб қолинган, фақат, ҳар бир экин тури учун сарфланадиган сув меъёрлари технологик картада белгиланган миқдорга тенг деб қаралган. Натижада, 89835,9 гектар эртаги 172265,6 гектар кечки картошка, 128498,5 гектар бир йиллик ўтларни экиш талаб қилинади ва 22404 миллиард қийматга эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти таъминланади. Сув ресурслари танқислигининг ошиши, фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши бир йиллик ўтлар майдонини оширишни талаб қилади. Яъни, ем-хашак етиштириш ресурслар танқислиги шароитида энг мақбул ечим эканлигини кўрсатмоқда.

Минтақада қишлоқ хўжалигининг кейинги даврдаги ривожланишини қараб чиқиш мақсадида унга таъсир қилувчи бирламчи омил бўлган сув ресурсларини белгиланадиган лимити ҳамда бажарлишининг прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун 1991-2020 йиллар маълумотлари асосида ARIMA (1 0 1) модели Gretl дастуридан фойдаланилди.

$$L_t = 7336.45 - 0.68 * L_{t-1} + 0.88 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (12)$$

$$st = (291.09) \quad (0.26) \quad (0.18)$$

$$Z = (25.20) \quad (-2.57) \quad (4.80)$$

Прогноз кўрсаткичларига кўра, кейинги даврда ажратиладиган сув лимитининг бир йил камайиши бошқа йили эса ошиши тенденцияси кузатилади. Яъни, лимит миқдори 2021, 2023 ҳамда 2025 йилларда олдинги йилга нисбатан ошади, бироқ умумий тенденция сақланиб қолади (5-жадвал).

5-жадвал

Минтақада жами ажратилган лимит бўйича прогноз қийматлари²⁴

For 95% confidence intervals, $z(0.025) = 1.96$

Obs	L	prediction	std. error	95% interval
2021	Undefined	7496.28	1428.89	(4695.71, 10296.8)
2022	Undefined	7228.10	1441.91	(4402.01, 10054.2)
2023	Undefined	7409.91	1447.86	(4572.17, 10247.7)
2024	Undefined	7286.65	1450.58	(4443.57, 10129.7)
2025	Undefined	7370.21	1451.83	(4524.68, 10215.7)

Худди шундай, таҳлилни ҳақиқатда ажратилган лимит кўрсаткичлари асосида амалга оширамиз. Ушбу маълумот бўйича прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун энг яхши модел ARIMA (1 2 1) кўринишига эга эканлиги аниқланди ва модел қуйидаги кўринишга эга бўлди.

$$\begin{aligned} \Delta^2 L_t &= -0.57 * \Delta^2 L_{t-1} - \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t & (13) \\ st &= (0.15) \quad (0.11) \\ Z &= (-3.82) \quad (-9.34) \end{aligned}$$

Ишлаб чиқилган моделнинг барча коэффицентлари адекватлигини инобатга олган ҳолда, минтақада ҳақиқатда ажратилган лимит бўйича 2020-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ҳисобланди. Прогноз натижаларига кўра, жами ажратилган лимитдан фарқли равишда ҳақиқатда лимитнинг бажарилиши умумий ўсиш тенденциясига эга бўлади (6-жадвал).

6-жадвал

Минтақада жами ажратилган лимитнинг бажаралиши бўйича прогноз қийматлари²⁵

For 95% confidence intervals, $z(0.025) = 1.96$

Obs	LFN	prediction	std. error	95% interval
2021	Undefined	5576.35	1870.97	(1909.33, 9243.38)
2022	Undefined	5599.13	2278.67	(1133.02, 10065.2)
2023	Undefined	5655.57	2478.26	(798.270, 10512.9)
2024	Undefined	5692.68	2737.09	(328.087, 11057.3)
2025	Undefined	5740.89	2933.07	(-7.82054, 11489.6)

Сувдан фойдаланиш самарадорлиги бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар натижасида кейинги йилларда ажратилган лимит миқдори ва ҳақиқатда лимитнинг бажарилиши орасидаги фарқни қисқаришига эришилади. Прогноз натижаларига кўра, ҳақиқатда лимитни бажарилишининг ошиб бориши, бошқа томондан, жами ажратилган лимитнинг барқарор ўсишга эга бўлмаслиги иккала кўрсаткич орасидаги фарқнинг қисқаришини таъминлайди.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда 1991 йилдагига нисбатан сувдан фойдаланиш даражасининг ижобий томонга ўзгариши кузатилади. Лимит ва унинг бажарилиши билан ерларнинг шўрланиши даражаси орасида боғлиқлик мавжуд. Бироқ, лимитнинг бажарилишидаги тебранишларнинг

²⁴ Манба: муаллиф ишланмаси.

²⁵ Манба: муаллиф ишланмаси.

кейинги йилларда ҳам сақланиб қолиши мавжуд муаммолар таъсир даражасини янада кучайтиради. Фикримизча, худудда сув кам талаб қиладиган маҳсулотларини етиштиришни ва ихтисослашувни таъминлаш лозим.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш истиқболли йўналишлари**” деб номланган бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ташқи самаралар таъсири ўрганилган, яйловлардан фойдаланиш самарадорлиги эконометрик моделлар асосида баҳоланган ва минтақада чорвачиликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари келтирилган ва прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Объект ва жараён тўғрисидаги маълумотларнинг етишмаслиги сабабли анкеталаштириш усули асосида бирламчи маълумотлар базаси шакллантирилди. Бешта бўлим ва ўттизта саволлар мажмуидан иборат анкета ишлаб чиқилиб, биринчи боби фермер (деҳқон) хўжалиги, иккинчи боби хўжаликни бошқариш, учинчи боби асосий экин турлари ва фаолияти турлари бўйича умумий маълумот, тўртинчи ва бешинчи боби эса мос равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатлари ва аграр секторда ташқи самаралар таъсирини баҳолаш масалаларига бағишланган. Анкета жами 161 та респондент билан ўтказилган бўлиб, уларнинг 135 таси фермер хўжаликлари, 26 таси деҳқон хўжалигидир.

Олинган жавобларга кўра, жами респондентларнинг 61 фоизи трансакция харажатлар мавжуд эмаслигини таъкидлашган. Шу сабабли, маълумот қидириш, уни қайта ишлаш ва уни сақлаш харажатларининг таркибий қисмларини умумий фаолиятидаги аҳамиятини ўрганиш мақсадида респондентлар жавоблари олинди (7-жадвал).

7-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида трансакция харажатлари турлари бўйича аҳамиятининг респондентлар жавоблари²⁶

	Ҳа		Йўқ	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
4.1 Фаолият тури бўйича маълумот қидириш, уни қайта ишлаш ва уни сақлаш харажатлари мавжудми?	63,0	39,1	98,0	60,9
4.2 Музокаралар олиб бориш харажатлари мавжудми?	60,0	37,3	101,0	62,7
4.3 Сифатни ўлчаш харажатлари мавжудми?	69,0	42,9	92,0	57,1
4.4 Шартнома тузиш харажатлари мавжудми?	51,0	31,7	110,0	68,3
4.5 Мониторинг харажатлари мавжудми?	57,0	35,4	104,0	64,6
4.6 Ўзига хослик ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш харажатлари мавжудми?	62,0	38,5	99,0	61,5

Аҳамиятлилик нуқтаи назарида энг юқори улуш сифатни ўлчаш харажатларига мос тушмоқда, яъни жами 161 та респондентнинг 69 таси ёки 42,9 фоизи ушбу харажатни муҳимлигини тасдиқлашган. Кейинги ўринларда маълумот қидириш, уни қайта ишлаш ва сақлаш, ўзига хослик ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш харажатларига тўғри келмоқда, уларнинг улуши эса мос равишда 39,1 ва 38,5 фоизни ташкил қилмоқда. Умумий натижада сифатни ўлчаш

²⁶ Манба: муаллиф ишланмаси.

харажатларини ҳисобга олмаганда 40 фоиздан паст улушга эга бўлмоқда. Шунга мос равишда харажатларнинг аҳамиятлилиги бўйича “йўқ” деган жавобни белгилаганлар сони ва улушини кўриш мумкин. Натижада, шартнома тузиш ва мониторинг харажатларига тўғри келмоқда.

Экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самараларни аниқ миқдорий усуллар ёрдамида баҳолаб ўтилди. Сув танқислиги сабабли келиб чиқаётган ташқи самараларни экологик муаммолар ва унинг таъсир даражаси билан боғлиқлик масаласига тўхталиб ўтдик. Тадқиқотлардан маълумки, экологик муаммолар натижасида келиб чиқаётган ерлар шўрланиши каби муаммолар сув ресурсларидан кўпроқ миқдорда фойдаланишни талаб қилмоқда. Бу ерда натижавий омил бинар бўлганлиги сабабли logit ва probit моделларидан фойдаланилди.

$$P_{EWS} = \frac{e^{-2,98+2,18*EEP+1,09*EEEP}}{1 + e^{-2,98+2,18*EEP+1,09*EEEP}}$$

ёки,

(14)

$$\ln\left(\frac{P_{EWS}}{1-P_{EWS}}\right) = -2,98 + 2,18 * EEP + 1,09 * EEEP.$$

Бу ерда: P_{ews} - ҳудудда сув танқислиги натижасида вужудга келаётган ташқи самараларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар фаолиятига таъсири мавжудлиги эҳтимоли. EEP – Экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самараларнинг таъсири мавжудлиги; $EEEP$ - Экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самараларнинг таъсир даражаси.

Натижаларга кўра, экологик муаммолар ҳудудда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда ва танқислик муаммосини келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, экологик муаммонинг таъсири даражасига қараб танқисликнинг ҳам кучайиши кузатилади (8-жадвал).

8-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самараларнинг сув танқислигига таъсири

	Коэффициентлар				
EEP	2,18324	1	1	1	1
EEEP	1,09309	1	2	3	4
Const	-2,98	1	1	1	1
	$Y^*=\ln(p/(1-p))$	0,293	1,386	2,479	3,573
Эҳтимоллиги	$p=\exp(y^*)/(\exp(y^*)+1)$	0,573	0,800	0,923	0,973
Чекли таъсир			0,227	0,123	0,050

Маълум бўлишича, экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самараларнинг паст даражада бўлиши сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар фаолиятига таъсирининг 57,3 фоиз бўлишига сабаб бўлмоқда. Агар, таъсир даражаси ошиб юқори даражага етса, унда бу эҳтимолликни 97,3 фоизгача ошиши аниқланди.

Экологик муаммолар туфайли келиб чиқаётган ташқи самараларнинг бу каби ўзаро кучли таъсири қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилари

учун кўшимча харажатларни келтириб чиқармоқда. Анкеталаштириш натижалари бўйича экологик муаммолар туфайли келиб чиқаётган ташқи самаралар таъсир даражаси ва харажатларнинг ошишининг таъсирига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, харажатларнинг юқори бўлиши экологик муаммолар сабабли келиб чиқаётган ташқи самаралар таъсири эҳтимоллигининг юқори бўлишини ифодалайди.

$$P_{EEP} = \frac{e^{-2,63+1,07*EEEE+0,36*EEEEPE}}{1 + e^{-2,63+1,07*EEEE+0,36*EEEEPE}}$$

ёки

$$\ln\left(\frac{P_{EEP}}{1 - P_{EEP}}\right) = -2,63 + 1,07 * EEEE + 0,36 * EEEEEPE$$

(15)

Тадқиқот натижаларига кўра, таъсир даражаси паст, харажатлар 5 фоизгача юқори бўлган шароитда экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самаралар таъсири 23 фоизни ташкил қилса, харажатларни 20 фоиз ва ундан юқори бўлиши бу кўрсаткични 46,8 фоизгача ошиши сабаб бўлади (9-жадвал). Ташқи самаралар таъсир даражаси юқори деб баҳоланган шароитда харажатлар билан боғлиқлик ҳам ошиб боради. Яъни, таъсир юқори, харажатлар паст бўлган ҳолатда ҳам эҳтимолликни анча юқори яъни, 88 фоизга тенг эканлигини кўриш мумкин.

9-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида экологик муаммолар туфайли вужудга келаётган ташқи самаралар даражаси ва харажатларнинг юқори бўлишини эҳтимоллигига таъсири

	Коэффициентлар	Вариантлар							
		1	1	1	1	2	2	2	2
EEEE	1,0657	1	1	1	1	2	2	2	2
EEEEPE	0,359605	1	2	3	4	1	2	3	4
Const	-2,63	1	1	1	1	1	1	1	1
	$Y^* = \ln(p/(1-p))$	-1,209	-0,849	-0,489	-0,130	-0,143	0,217	0,576	0,936
Эҳтимоллиги	$p = \exp(y^*) / (\exp(y^*) + 1)$	0,230	0,300	0,380	0,468	0,464	0,554	0,640	0,718
Чекли таъсир			0,070	0,080	0,088		0,090	0,086	0,078

	Коэффициентлар	Вариантлар							
		3	3	3	3	4	4	4	4
EEEE	1,0657	3	3	3	3	4	4	4	4
EEEEPE	0,359605	1	2	3	4	1	2	3	4
Const	-2,63	1	1	1	1	1	1	1	1
	$Y^* = \ln(p/(1-p))$	0,923	1,282	1,642	2,002	1,989	2,348	2,708	3,067
Эҳтимоллиги	$p = \exp(y^*) / (\exp(y^*) + 1)$	0,716	0,783	0,838	0,881	0,880	0,913	0,937	0,956
Чекли таъсир			0,067	0,055	0,043		0,033	0,025	0,018

Агар кўшимча харажатлар 20 фоиз ва ундан юқори қийматга эга бўладиган бўлса, бу кўрсаткичнинг 95,6 фоизга қадар ошиши кузатилади. Фикримизча,

ташки самаралар таъсири ҳамда унинг харажатлар билан боғлиқлик даржасини оптимал усуллар асосида ечимини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча натижалар минтақада чорвачиликнинг барча йўналишлари хусусан, қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик ва туячиликни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжудлигини асосламоқда. Келтирилган йўналишлар маълум даражада ривожланган бўлиб, қорамолчилик ва қўйчилик устунликка эга, бироқ, кейинги даврларда уларнинг ҳам жами чорвачиликдаги улуши ўзгарганлигини кузатиш мумкин.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш мақсадида маҳсулот ҳажми ҳамда чорва таркиби орасидаги боғлиқлик корреляцион таҳлил асосида ўрганилди:

$$\ln(Y) = -11.4 + 1.1 * \ln(X_1) \quad (16)$$

$$se = (0.61) \quad (0.05)$$

$$t = (-18.63) \quad (23.84)$$

$$R^2 = 0.95 \quad F = 568.26$$

Бу ерда: Y - ҚР бўйича чорвачилик маҳсулоти (млрд.сўм), X_1 - йирик шохли қора моллар бош сони.

Йирик шохли қорамоллар бош сонининг бир фоизга ошиши жами чорвачилик маҳсулотлари ҳажмининг 1,1 фоизга ошишини таъминлайди.

Ҳар бир маҳсулот турини яратишда чорва таркибининг таъсирини қараб чиқамиз. Мазкур моделни ишлаб чиқишда гетероскедактиклик муаммоси бўлганлиги сабабли энг кичик квадратлар (generalized least squares - GLS) усулдан фойдаланамиз:

$$\frac{Y_1}{\sigma_i} = -44412.6 + 0.04 * \frac{X_1}{\sigma_i} + 0.4 * \frac{X_2}{\sigma_i} - 3.8 * \frac{X_4}{\sigma_i} + 14.9 * \frac{X_5}{\sigma_i} \quad (17)$$

$$se = (13572.6) \quad (0.005) \quad (0.0578) \quad (0.576) \quad (2.643)$$

$$t = (-3.272) \quad (7.666) \quad (6.949) \quad (-6.708) \quad (5.667)$$

$$R^2 = 0.99 \quad F = 899.32$$

Бу ерда: Y_1 - етиштирилган гўшт, минг тонна, X_2 - сигирлар бош сони, X_3 - қўй ва эчкилар бош сони, X_4 - отлар бош сони, X_5 - туялар бош сони.

Гўшт етиштириш ҳажмига чорвачиликнинг барча турлари таъсир этади, яъни, чорва моллари бош сонининг бир бирликка ошиши етиштирилган гўшт миқдорини 0,04 ўртача квадратик четланишга оширади. Йилқилар сони билан манфий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди, яъни йилқилар бош сонининг бир бирликка ошиши гўшт етиштириш ҳажмини 3,8 ўртача квадратик четланиш миқдорига камайтиради. Чунки, кейинги даврда минтақада йилқилар сонининг камайиши кузатилган. Шу билан бирга қўй ва эчкилар бош сони билан гўшт етиштириш ҳажми орасида боғлиқлик мавжуд эмаслиги аниқланди. Бу яйловлар ва пичанзорлар майдони камайиши натижасида қўй ва эчкилар, отлар сонини камайиш тенденциясига эга эканлиги билан боғлиқдир.

Туялар сони билан етиштирилган гўшт миқдори орасида ҳам мусбат боғлиқлик мавжуд, туялар сонининг ошиши етиштирилган гўшт миқдорини

14,9 бирлик ўртача квадратик четланишга оширади. Туялар сонининг сезиларли даражада кичик эканлиги ва унинг ўртача квадратик четланишини ҳам кичик бўлишига сабаб бўлади, шу сабабли коэффицент катта миқдорга эга бўлмоқда.

Сут етиштириш ҳажмига чорва таркибидаги ўзгаришлар таъсирини баҳолади. Регрессион таҳлилни амалга ошириш учун weightedleastsquares (WLS) усулдан фойдаланилди ва қуйидаги натижаларга эришилди:

$$\frac{Y_2}{\sigma_{X1}} = 0.09 * \frac{X_1}{\sigma_{X1}} + 0.5 * \frac{X_3}{\sigma_{X1}} - 17.1 * \frac{X_4}{\sigma_{X1}} + 40.1 * \frac{X_5}{\sigma_{X1}} \quad (18)$$

$$se = (0.04) \quad (0.09) \quad (4.72) \quad (12.42)$$

$$t = (2.1) \quad (5.2) \quad (-3.6) \quad (3.2)$$

$$R^2 = 0.88 \quad F = 51.1$$

Натижаларга кўра, сут маҳсулотлари етиштиришга йирик шохли қорамоллар, қўй ва эчкилар ҳамда туялар сони ижобий, отлар сони салбий таъсирга эга. Чунки, юқорида таъкидланганидек, яйлов ва пичанзорлар майдони камаймоқда ва улардан самарали фойдаланилмаяпти. Фикримизча, яйловларда чорвачиликка ихтисослашган фермер ва уй хўжаликлари учун қўшимча ер майдонларини ажратиш, уларга фаолиятини кенгайтириш учун имкониятлар яратиш, қорамоллар сони ва маҳсулдорлигини оширишга, мавжуд ресурслардан оптимал даражада фойдаланишга хизмат қилади.

Яйловлар майдони билан қорамол, қўй ва эчкилар сони орасидаги эластиклик коэффиценти ҳисобланди (10-жадвал).

10-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари²⁷

№	Моделлар:	t-статистика	R ²
1	$Ya = X_1^{0.95}$	b ₁ =21.7	R ² =0.96
2	$Ya = 0.003 * X_2^{0.96}$	b ₁ =1.9 b ₂ =4.3	R ² =0.56

Бу ерда: Ya - яйловлар ҳажми (гектар); X_1 – қорамоллар сони (дона); X_2 – қўй ва эчкилар сони (дона).

Натижаларга кўра 10-жадвал яйловлар ҳажми билан қорамоллар сони орасидаги эластиклик коэффицент 0,95 га, қўй ва эчкилар орасидаги коэффицент эса 0,96 га тенг бўлмоқда.

Минтақада чорвачиликни истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичлари мавжуд маълумотлар асосида ишлаб чиқилди. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича ARIMA моделлари тузилди ва прогноз қийматлари ҳисобланди:

$$\Delta Y_t = 0.97 * \Delta Y_{t-1} - 0.79 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (19)$$

$$se = (0.13) \quad (0.28)$$

$$z = (7.34) \quad (-2.80) \quad R^2 = 0.98$$

²⁷ Манба: муаллиф ишланмаси.

Ушбу модел натижаларига кўра, барча коэффициентлар адекват, бироқ, озод ҳад бўйича аниқланган коэффициентнинг адекватлик даражаси 90 фоизлик ишонч оралиғида ўринли. Гўшт етиштириш ҳажми бўйича амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига кўра, қуйидаги тенгламага эга бўлинди:

$$Y_{1t} = 77559.2 + 1,98 * Y_{1t-1} - 0.99 * Y_{1t-2} + \varepsilon_t \quad (20)$$

$$se = (7500,1) \quad (0.004) \quad (0.002) \quad (0.15)$$

$$t = (10.34) \quad (461.9) \quad (-577.8) \quad (-6.67) \quad R^2 = 0.99$$

Худди шу каби таҳлилни сут етиштириш ҳажмига нисбатан ҳам амалга оширдик:

$$\Delta^2 Y_{2t} = -0.4 * \Delta^2 Y_{2t-1} - 0.92 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (21)$$

$$se = (0.17) \quad (0.12)$$

$$t = (-2.33) \quad (-7.73) \quad R^2 = 0.63$$

Юқорида келтирилган моделлар асосида Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш қиймати ва ҳажмининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (11-жадвал).

11-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида асосий чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари²⁸

Йиллар	ҚР бўйича чорвачилик маҳсулоти (млн.сўм)	Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	Сут, тонна
	Y	Y ₁	Y ₂
2021	55.1	113930	413847
2022	56.8	116639	426908
2023	58.5	118910	438740
2024	60.1	120815	451068
2025	61.7	122414	463196

Прогноз кўрсаткичларига кўра, 2025 йилга келиб Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган жами чорвачилик маҳсулотининг 2010 базис йил сифатида олинган ҳолдаги реал қиймати 61,7 миллиард сўмни ташкил қилади. Яъни, 2020 йилга нисбатан 1,16 баробарга ошиши таъминланади, йиллик ўртача ўсиш даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Гўшт етиштириш ҳажми 1,11 баробарга ошгани ҳолда кейинги 5 йилда ўртача ўсиш даражаси 2 фоизни ташкил қилади. Сут етиштириш бўйича ушбу кўрсаткичлар мос равишда 1,15 баробар ва 2,7 фоизни ташкил қилишини кўриш мумкин. Бундан кўринадики, кейинги йилларда минтақада сут етиштириш ҳажми гўштга нисбатан тез суръатларда ўсади. Таҳлилларимизда маълум бўлишича, келтирилган маҳсулотларни етиштиришда қорамолчилик, қўй ва эчкичиликнинг улуши ҳамда роли катталигича қолмоқда. Кам улушга эга бўлган йилқичилик ва туячиликнинг маҳсулот етиштиришдаги улуши ҳам камлигича қолмоқда.

²⁸ Манба: муаллиф ишланмаси.

Чорвачилик йўналишлари бўйича бош сонини прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган моделлар ва уларнинг адекватлигини текшириш учун фойдаланилган тест натижалари қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$1. \quad \Delta X_{1t} = 0.95 * \Delta X_{1t-1} - 0.67 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (22)$$

$$se = (0.07) \quad (0.19)$$

$$t = (14.35) \quad (-3.55) \quad R^2 = 0.99$$

$$2. \quad \Delta X_{2t} = 0.96 * \Delta X_{2t-1} - 0.69 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (23)$$

$$se = (0.07) \quad (0.15)$$

$$t = (13.96) \quad (-4.44) \quad R^2 = 0.93$$

$$3. \quad \Delta X_{3t} = 0.93 * \Delta X_{3t-1} - 0.77 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (24)$$

$$se = (0.12) \quad (0.18)$$

$$t = (7.85) \quad (-4.18) \quad R^2 = 0.93$$

$$4. \quad \Delta X_{4t} = 0.86 * \Delta X_{4t-1} - 0.58 * \varepsilon_{t-1} + \varepsilon_t \quad (25)$$

$$se = (0.24) \quad (0.30)$$

$$t = (3.59) \quad (-1.94) \quad R^2 = 0.93$$

Студент мезони натижаларига кўра, келтирилган тенгламаларнинг коэффицентлари адекватлиги ва уларнинг эҳтимолликларининг 0,05 дан кичик эканлигини кўриш мумкин. Фақат йилқилар сонини прогноз қилиш учун фойдаланилган моделда аниқланган иккинчи коэффицентнинг Студент мезони бўйича кўрсаткичи -1,94 га ва унинг эҳтимоллик кўрсаткичи 0,053 га тенг бўлганлиги, яъни эҳтимоллиги деярли 95 фоизни ташкил қилаётганлигини инобатга олган ҳолда, ундан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топганмиз.

Ушбу моделлар асосида ишлаб чиқилган чорва йўналишлари бўйича чорва бош сонининг прогноз кўрсаткичларини келтирамиз (12-жадвал).

12-жадвал

